

Маъмурий судларга аризанинг намунавий шакли. Мабодо, қайси мактаб ёки ўқув юрти мансабдор шахслари рўмолни тақиқлайдиган бўлса, уларни шу аризага асосан судга бериш мумкин. Бунинг учун:

1. Аризани бўш жойларини тўлдириш ва имзо қўйиш эздан чиқмасин (боланинг отаси ёки онасидан биттаси имзоласа етади).
2. Олдин судга бориб, давлат божи ва почта харажатларини тўлаш кк бўлган банк ҳисоб рақамлари ва миқдори ёзилган қоғозчани оласиз (мелисалар бепул беришади);
3. Суд яқинидаги ҳар қандай банк кассасига бориб, давлат божи ва почта харажатини тўлайсиз (БИХ нинг 1 баравари миқдорида).
4. Банк кассаси ходимларини ўзларидан илтимос қилсангиз квитанцияларни ўзлари хатосиз ва тез ёзиб беришади.
5. Кейин яқин орадаги почта бўлимига кириб, аризангизни ксерокопия нусхасини жавобгарларга "буюртмали хат", яъни заказной қилиб жўнатасиз. Ёки аризангизни нусхасини жавобгар мактабнинг директори, девонхонаси ёки котибасига имзо қўйдириб топширасиз. Улар кўпинча олишга қўрқишади, олишмаса почтадан жўнатиш мумкин. Лекин олмаса ҳам нусхасини бериб келаверинг. Балки ўқиб инсофга келиши мумкин.
6. Банк ва почта квитанцияларини аризага илова қилган ҳолда тегишли туман (шаҳар) маъмурий судига бориб, девонхонасига топшириб келасиз. Аризангиз камида 3-4 нусхада бўлсин. Биттаси судга, иккинчи нусхасига "қабул қилдим" деб имзо қўйиб беради.
7. Орадан 10-15 кун ўтмай суддан сизга хабар келади ёки телефон қилишади.

-----

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) маъмурий судига

Манзили: \_\_\_\_\_

Аризачи: (исм, фамилия, отасини исми) \_\_\_\_\_

(яшаш манзили) \_\_\_\_\_

Тел: \_\_\_\_\_

Жавобгарлар: (лавозими, исм, фамилияси, ота исми) \_\_\_\_\_

(иш жойи манзили) \_\_\_\_\_

## АРИЗА

Мансабдор шахсларнинг гайриконуний ҳаракатлари юзасидан

Менинг қизим \_\_\_\_\_ қуйидаги ўқув юртида \_\_\_\_\_-синфда таҳсил олади. Лекин мазкур ўқув юрти раҳбари бўлмиш жавобгарлар қизимнинг рўмол ўраган ҳолда мактабда ўқишига фаол равишда қаршилик қилиб келишмоқда. Қизимга ва бизга тўхтовсиз тазйиклар ўтказиб, рўмолни ечишга мажбурлашмоқда. Бунга асос қилиб мактабнинг ҳеч қандай қонуний кучга эга бўлмаган ички тартибларини ва ВМ нинг 666-сонли қарорини келтиришмоқда. Ваҳоланки, бу қарорни мактаб формасини мажбурий

қилиш тўғрисидаги қисмини ижроси 5 йилга, яъни 2024 йилга қадар кечиктирилган. Шунга қарамадан жавобгарлар қонуний кучга кирмаган қондани асос қилиб, рўмол ўрашни тақиқлашмоқда. Ваҳоланки, қизим Ислон динига эътиқод қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддима қисмида “Ўзбекистон халқи Инсон ҳуқуқларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиши” ҳамда “Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қондалари устунлигини тан олиши” Бош қомусимизнинг асосий тамойили экани таъкидланган. Яъни Ўзбекистон ратификация қилган халқаро шартномалар (конвенциялар, Пактлар, Декларациялар вб) да кўрсатилган қондалар устунлигини тан олганмиз ва қонунларимиз, жумладан, қонуности ҳужжатларимиз ҳам халқаро шартномаларга мос бўлишини қафолатини олганмиз.

Шунингдек, ЎР нинг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 16-моддасига кўра “Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт” экани белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга” деб кўрсатилган.

“Диний ва эътиқод асосидаги дискриминациянинг барча турларини тугатиш тўғрисидаги халқаро Декларация” нинг (Ўзбекистон 1997 й 30 август куни ратификация қилган) 5-моддаси 1-бандида болалар истаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга экани кўрсатилган.

Шунингдек, ЎР нинг “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонуни 17-моддасида “Бола фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга” экани мустаҳкамла, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмайди.

ВМ ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси собиқ раҳбар ўринбосари Н.Абулҳасан ва бошқа ходимларининг оғзаки тушунтиришларига кўра: “Мусулмон қизлар ва аёлларга мактаб ва университетларда рўмол ва ҳижоб ўрашларига руҳсат берилса, бошқа динлар мансубларининг ҳуқуқлари бузилади” экан. Бу ўта абсурд ва кулгили асос, тўғрироғи сунъий баҳона. Бу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсак, барча дин вакилларининг диний эркинликларини чеклаш (ҳоч ва кипани тақиқлаш) орқали уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинмоқда экан. Аксинча, уларнинг ҳам ўз динига эътиқод қилиш ҳуқуқини бериш мумкин, фақат хоҳлаганлари учун. Бу ҳамма мажбурий равишда диний белгиларини кийиши шарт, дегани эмас (Бошқа динлар мансубларининг эътиқодларига ва дин талабига кўра кипа кийиш ва ҳоч тақиш мажбурий ҳам эмас, ихтиёрийдир). Махсус диний кийимларни (буддистлар кашаяси каби) эса фақат уларнинг руҳонийлари кияди (улар дунёдан воз кечган бўлади), ёш болалар эмас. Ёш руҳоний болалар эса ўша дин черкови (синагога вб) қошидаги махсус мактабда ўқийди. Мактаб ёшидаги яҳудий ва христиан дини талабларига амал қилгувчи болалар кипа ва ҳоч тақиб келганида эса жамоат тартиби бузилиб кетмайди. Болалар дунёдан воз кечмагани учун мактабга келади ва улар кашая, монах кийимларини киймаслиги аниқ.

Рўмолни, кипа ва ҳочни мактаб формаси кийган ҳолда тақиб келишлари мактаб формаси жорий қилишдан қутилган мақсадга зид эмас. Формадан мақсад бой ва камбағаллар ажраб қолишини олдини олиш, ярим яланғоч ва йиртиқ-ямоқ шимларда келмаслиги учун, ахлоқсизликни олдини олиш ва ҳоказо. Асло диний мансублигини яшириш эмас. Аксинча, болаларда ёшлигидан бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик (толерантлик) мактаб ёшидан пайдо бўлади, ёшлиқдан уларга бошқа дин вакилларини ҳурмат қилиш, чунки улар ҳам бирга ўқийдиган дўстлари экани каби тушунчалар бериб борилса, жамиятимизнинг аҳиллиги ва халқларо дўстлик ришталари янада мустаҳкамланади. Ҳеч қайси дин вакили бўлмиш болалар бир-бирини ҳоч таққани учун, кипа кийгани ёки рўмол ўрагани учун камситмайди, бир-бирини устидан кулмайди. Булар сохта баҳоналар ҳолос. Ўшанчун АҚШ, Англия ва Европа давлатлари судлари мактабларда рўмол (ҳижоб) ни тақиқлаш

тўғрисидаги қонунларни бекор қилишган. Масалан, Швейцариянинг Вале кантонида 2013 йилда, Германияда 2018 йилда шундай федерал қонунлар бекор қилинган. Франция Парламентининг жамоат хавфсизлигига раҳна солади, деган асос билан қабул қилинган қора ниқобни тақиқлаш тўғрисидаги қонуни эса БМТ нинг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси (Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро суд) нинг 2018 йил ноябрдаги қарори билан ноқонуний деб топилган. Бу қонун ҳозирда кучга эга эмас, тўлиқ бекор қилинган. Франция зиммасига ҳуқуқи бузилган аёлларга компенсация тўлаган.

Кўриниб турибдики, ЎР Вазирлар маҳкамаси қарори билан юқоридаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар талабларига зид келувчи, диний эркинликни чекловчи қондани жорий қилмоқда: мактаб ёшидаги болалари томонидан “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция” 14-м га асосан истаган дини талабларига эътиқод қилиш, диний белгиларни тақишни ва диний эътиқодини ошқор қилиш (намойиш қилиш- to manifest) ҳуқуқини чекловчи қондаларни амалиётга киритмоқда.

ВМ нинг 666-сон қарори 2-иловасидаги Низомнинг умумий ўрта таълим мактабларида мажбурий форма жорий қилиш тўғрисидаги қисмининг кучга кириши 2024 йилга қадар кечиктирилгани ҳолати ҳам жавобгарларнинг ҳаракатлари ноқонуний эканини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда ЎР МСИЮТК нинг 4, 5, 26, 27-моддаларига асосланган ҳолда СЎРАЙМАН:

1. Жавобгарларнинг рўмолни тақиқлаш тўғрисидаги ҳаракатларини қонун ҳужжатларига хилоф деб топишингизни;
2. Жавобгарлар зиммасига қизимнинг рўмол ўраган ҳолда ўқув юртига кириши ва ўқишига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юклашингизни.
3. Суд ҳаражатлари ва адвокат гонорарини жавобгардан ундириб беришингизни.

Аризачи: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_